

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

АЗИМ ШУХРАТ ОБИД ЎҒЛИ

**ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ ҒАЙРИИЖТИМОЙ
ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРГА ЖАЛБ ҚИЛИШГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ
ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИ**

12.00.08. – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Азим Шухрат Обид ўғли

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-харакатларга жалб
қилишга қарши курашнинг жиноий-хукукий чоралари 3

Азим Шухрат Обид угли

Уголовно-правовые меры борьбы с вовлечением
несовершеннолетнего в антисоциальное поведение 23

Azim Shukhrat Obid ugli

Criminal law measures to combat the involvement of a minor
in antisocial behavior 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

АЗИМ ШУХРАТ ОБИД ЎҒЛИ

**ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ ҒАЙРИИЖТИМОЙ
ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРГА ЖАЛБ ҚИЛИШГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ
ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИ**

12.00.08. – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Yu380 рақам билан рўйхатта олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаши веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziyouet» Ахборот-таълим порталаида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Якубов Александр Санжарович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зуфаров Рустам Ахмедович
юридик фанлар доктори, профессор

Расулов Абдулазиз Каримович
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси
Харбий-техник институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 рақамли илмий кенгашиниң 2020 йил 12 декабрь куни соат 14:30даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akadmvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (117-раками билан рўйхатта олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2020 йил 29 ноябрь куни тарқатилди.

(2020 йил 29 ноябрдаги 29-ракамли реестр баённомаси).



А.С. Турсоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши
ранси, юридик фанлар доктори,
профессор

Дж.Х. Юлданов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши
ишимий котиби, юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори, доцент

Р. Кабулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши
кошидаги илмий семинар ранси, юридик
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ёшларни нормал (рухий жиҳатдан соғлом) ва тўғри ривожлантиришга чуқур эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда вояга етмаганлар томонидан ёки улар иштирокида содир этилаётган жиноятлар жами жиноятлар кўрсаткичининг ўртacha 30–40 фоизини ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич АҚШда – 32 фоизини, Германияда – 38 фоизини, Буюк Британияда – 40 фоизини ташкил этади¹. Вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар, жиноят ва бошқа хуқуқбузарликлар содир этишга жалб этиш ҳолатлари жиноятчи шахсининг келгуси шаклланишига ҳалокатли таъсир этмоқда. Бу эса, вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши қурашишнинг самарали механизмларини яратиш, вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш, уларнинг хуқуқ ва қонуний мафаатларини ҳимоялашнинг қўшимча кафолатларини жорий этиш, уларга нисбатан қўлланилаётган жазо чораларини либераллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Жаҳонда вояга етмаганлар томонидан ва улар иштирокида содир этиладиган жиноятлар, шунингдек уларни бундай хатти-ҳаракатларга жалб этиш ҳолатлари профилактикаси ҳамда уларга қарши қурашишнинг жиноят-хуқуқий чораларини такомиллаштириш, жумладан, бундай тоифадаги ижтимоий хавфли қилмишлар учун жавобгарликни дифференциациялаш ҳамда жазо чораларини индивидуаллаштириш, халқаро стандартлар ва хуқуқ нормаларида белгиланган бола хуқуқларини назарда тутувчи талаб ва қоидаларни инобатга олган ҳолда, уларни жиноят-хуқуқий воситалар орқали муҳофаза қилишни кучайтириш, бу борадаги қонун хужжатлари ва уларни уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг назарий жиҳатларини тадқиқ этиш асосида илмий асосланган ечимларини топишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият қасб этмоқда.

Республикамизда ҳам оиласа, ёшларга ва ахлоқка қарши жиноятларнинг олдини олиш борасида ўзига хос тизим ва норматив база яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарликларни барвақт олдини олишнинг самарали тизимини йўлга қўйиш, уларни ёт ғоялар ва мағкуралардан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиши, бу борадаги норматив-хуқуқий базани халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, жиноят ишларини юритиш чоғида вояга етмаганлар билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказишида уларнинг хуқуқий ҳимоясини кучайтириш каби вазифалар белгиланган. Бу эса, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишнинг илмий-назарий асосларини, унга қарши қурашнинг жиноят-хуқуқий жиҳатларини, жумладан, амалдаги жиноят қонунчилигига вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш учун жавобгарлик ҳақидаги нормаларни индивидуаллаштириш ҳамда янада такомиллаштириш, уларни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш заруратини тақозо этмоқда.

¹ www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/childcon.shtml.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (1994), 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ-263-сон «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 5 июндаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-кувватлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сон «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорида ва ёшларга доир давлат сиёсати соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий хатти-харакатларга жалб қилганлик учун жавобгарликнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларига доир айрим масалалар мамлакатимизда етакчи ҳуқуқшунос олимлардан Б.А. Блиндер, К.Р. Абдурасулова, З.С. Зарипов, И. Исмаилов, Р.А. Зуфаров, О.Г. Закирова, Ю.М. Каракетов, Р. Кабулов, М.М. Кадыров, Ж.А. Неъматов, А.К. Расулов, А.А. Расулов, М.Х. Рустамбаев ва А.С. Якубовлар томонидан ўрганилган.

Жумладан, Ш.Р. Гофуров томонидан уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш, Л.Г. Алимов, К.П. Пайзуллаев, Ф. Тахиров, Д.Х. Хамидов ва М.К. Уразалиевлар томонидан шахс, унинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий эркинлигига қарши жиноятлар, М.К. Уразалиев ва М.К. Утениязов томонидан алкоголизм, фоҳишалик ва гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар, Ш.А. Ғаниев томонидан ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар, Н.А. Рамазанова томонидан вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикаси каби масалалар тадқиқ этилган.

Мазкур муаммога доир изланишлар В.Б. Боровиков, Е.А. Худяков, М.И. Блум, В.Н. Смитиенко, Г.А. Левицкий, М.А. Ефимов ва С.С. Яценко каби МДҲ мамлакатлари олимлари¹ томонидан ўтказилган. Таъкидлаш лозимки, мазкур ишларнинг асосий қисми, умуман олганда, ўтган йиллар қонунчилиги

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

асосида бажарилган. Замонавий қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда хориж мамлакатларининг илфор тажрибаларини, шунингдек мавжуд муаммолар ва ваколатли органлар фаолиятидаги камчиликларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур мавзу комплекс ҳамда маҳсус илмий тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 2018–2021 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзуси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга қарши курашишнинг жиноят-хуқуқий чораларини такомиллаштирига қаратилган аниқ илмий хulosалар, таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш учун жавобгарлик белгиловчи жиноят қонуни нормаларининг шаклланиши ва ривожланишини ретроспектив таҳлил қилиш;

«вояга етмаган шахснинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари» жиноят-хуқуқий тушунчасини ишлаб чиқиш;

вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишнинг моҳияти ва ижтимоий хавфини асослаш;

вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш учун жавобгарликнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш;

вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишнинг объектив ва субъектив белгиларини тадқиқ этиш асосида жиноятни тўғри квалификация қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган айрим хориж мамлакатлари қонунчилигини тадқиқ этиш асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича илмий хulosалар шакллантириш;

вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш билан боғлиқ жиноий-хуқуқий нормаларни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг обьектини Ўзбекистон Республикасида вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш натижасида юзага келадиган жиноят-хуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот предметини амалдаги жиноят қонунчилигининг вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш учун жавобгарлик белгиловчи нормалари, суд-тергов амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий изланишлар давомида илмий билишнинг қиёсий-хуқуқий, статистик, мантиқий-юридик, тизимли таҳлил, социологик (анкета сўрови), жиноят иши ва суд амалиёти материалларини таҳлилий ўрганиш

сингари махсус илмий усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

вояга етмаган шахсларнинг меҳнат қилишга доир ҳукуқларини жиноят-хукуқий воситалар орқали кафолатлашни кучайтириш мақсадида қонун ҳужжатларида маъмурий жазо қўлланилганидан кейин вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғига, хавфсизлигига ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланилганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш зарурати асосланган;

ЖКнинг 127-моддасига доир ишларни юритиш доирасида мазкур тоифадаги қилмишларга тўғри (ҳакқоний) баҳо бериш ва малакалаш учун 18 ёшга тўлган ва жиноятни қасдан содир этган шахсларгина вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги асосланган;

жиноят қонуни нормаларининг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида судлар томонидан катта ёшдаги шахснинг жабрланувчининг вояга етмаганлигига нисбатан субъектив муносабатини аниқлаш, жумладан катта ёшдаги шахс ўзи ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилган шахснинг вояга етмаганлигини билмаган ёхуд билиши мумкин бўлмаган ҳолларда унга нисбатан жиноий жавобгарликнинг истисно этилиш амалиётини қўллаш лозимлиги исботланган;

вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишнинг ижтимоий моҳияти ва хавфи ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш, унга доир илмий тушунчаларнинг бир хилда тушинилиши ва қўлланилишини таъминлаш мақсадида идоравий ҳужжатларда «нотинч оила», «ижтимоий хавфли аҳволда бўлган оила» ва «коила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳукуқбузарликлар» тушунчаларини акс эттириш лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқот амалий натижалари. Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш учун жавобгарлик белгиловчи жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш юзасидан берилган тавсиялар суд-тергов амалиётида мазкур турдаги жиноятларни тўғри квалификация қилишга, оиласа, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятларга қарши курашиш амалиётини жиноят-хукуқий воситалар асосида такомиллаштиришга хизмат қиласди.

Диссертация натижалари бўйича ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга қарши курашиш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари қонунчилик нормалари, илғор хорижий тажрибалар, ҳукуқни қўллаш амалиёти, расмий манбалар, назарий қараашлар ва методологик ёндашувларга, шунингдек эмпирик материалларга асосланган. Жумладан, 100 нафар вояга етмаган маҳкум, шунингдек вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилган 80 нафар катта ёшдаги шахслар ўтасида ўтказилган социологик сўров натижалари ҳамда 120 та

жиноят иши материаллари таҳлили тадқиқот натижаларини эмпирик жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қилган. Асосий таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Айрим натижалар ва улар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар ваколатли тузилмалар томонидан қабул қилиниб, амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг *илмий аҳамияти* диссертацияда ифодаланган хулоса, таклиф ва тавсиялардан келгуси тадқиқот ишларида, қонун ижодкорлиги жараёнида, қонунни қўллаш амалиётида, жиноят қонунининг тегишли нормаларини шарҳлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли нормаларини такомиллаштиришда, шунингдек «Жиноят ҳукуқи» назариясини бойитишда фойдаланиш мумкинлигига намоён бўлади.

Тадқиқот ишининг *амалий аҳамияти* шундаки, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга қарши курашишнинг жиноят-ҳукуқий чораларини такомиллаштириш жавобгарликни тақозо этувчи ижтимоий хавфли қилмишлар доирасини аниқлаш ва белгилашга, суд-тергов амалиётида мазкур қилмишларни тўғри квалификация қилишга, шунингдек вояга етмаганларга нисбатан ёхуд улар иштирокида содир этиладиган жиноятлар учун жавобгарликни дифференциациялаш ва жазо чораларини индивидуаллаштириш орқали ҳукуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга қарши курашишнинг жиноят-ҳукуқий чораларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида ишлаб чиқилган:

қонун ҳужжатларида маъмурий жазо қўлланилганидан кейин вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғига, хавфсизлигига ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланилганлик учун жиноий жавобгарлик белгилашга доир таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 22 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимишчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-603-сон қонунининг З-моддасини ишлаб чиқиша фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг 2020 йил 13 февралдаги 04/3-05-05-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши вояга етмаганларнинг меҳнат қилиш ҳукуқини жиноят-ҳукуқий воситалар ёрдамида кафолатлашни кучайтиришга хизмат қилган;

ЖКнинг 127-моддасига доир ишларни юритиш доирасида мазкур тоифадаги қилмишларга тўғри баҳо бериш ва малакалаш учун 18 ёшга тўлган ва жиноятни қасддан содир этган шахсларгина вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлигига доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сон қарори еттинчи бандини ишлаб чиқиша фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил

12 февралдаги 11-10-20-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг инобатга олиниши ЖК 127-моддасига доир ишларни квалификация қилиш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилган;

жиноят қонуни нормаларининг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида судлар томонидан катта ёшдаги шахснинг жабрланувчининг вояга етмаганлигига нисбатан субъектив муносабатини аниқлаш, жумладан катта ёшдаги шахс ўзи ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилган шахснинг вояга етмаганлигини билмаган ёхуд билиши мумкин бўлмаган ҳолларда унга нисбатан жиноий жавобгарликнинг истисно этилиш амалиётини қўллашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сон қарори еттинчи бандини ишлаб чиқиша фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 12 февралдаги 11-10-20-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг инобатга олиниши вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилган;

вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишнинг ижтимоий моҳияти ва хавфи ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш, унга доир илмий тушунчаларнинг бир хилда тушинилиши ва қўлланилишини таъминлаш мақсадида идоравий ҳужжатларда «нотинч оила», «ижтимоий хавфли аҳволда бўлган оила» ва «коила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар» тушунчаларини акс эттириш лозимлигига доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги 151-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги низомнинг тўртинчи бандини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2020 йил 12 майдаги 1272-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши вояга етмаганлар ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларининг барвақт профилактикаси бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Диссертация натижалари жами 4 та (хусусан, 2 та халқаро, 2 та республика миқёсидаги) илмий-амалий конференция ва давра сұхбатларида синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан диссертациянинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 6 та илмий мақола (улардан 2 таси хорижий нашрда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олтита параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмидаги тадқиқот мавзусининг долзарбилиги ва зарурити, республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги асослантирилган, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, диссертациянинг мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган. Шунингдек, олинган натижаларининг ишончлилиги, жорий этилиши, апробацияси, эълон қилингандиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажмига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун катта ёшдаги шахсни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда илмий тадқиқотларнинг ретроспектив ва замонавий таҳлили**» деб номланган бўлиб, иккита параграфдан иборат. Унда диссертант voyaga etmagan shahsni fayriijtimoий xatti-harakatlariga jalb qilganlik учун жавобгарликка тортиш ҳақидаги қонун ҳужжатлари ва илмий тадқиқотларни тарихий ҳамда замонавий жиҳатдан таҳлил қилган.

«**Voyaga etmagan shahsni fayriijtimoий xatti-harakatlariga jalb qilganlik учун жавобгарлик ҳақидаги жиноят қонунчилигининг шаклланиши, ривожланиши ва ҳозирги ҳолати**» номли биринчи параграфда таъкидланишича, жиноят қонунида voyaga etmaganlarни муҳофаза қилиш муаммоси икки томонлама ҳал қилинган: **бириңчидан**, voyaga etmaganlarning ёш хусусиятлари катталарницидан бошқачароқ эканлиги инобатга олиниб, жиноят ҳукуқининг асосий институтларини тартибга соладиган бутун бошли нормалар (қоидалар) тизими назарда тутилган; **иккинчидан**, voyaga etmaganlar ҳамда ёшларнинг ҳукуқ ва манфаатларига бевосита тажовузлар содир этилгани учун жиноий жавобгарлик белгиланган бундай жиноий қилмишлар учун қучайтирилган жавобгарлик назарда тутилган.

Муаллиф, шуларни инобатга олиб, жиноят-ҳукуқий нормаларни таснифлаган ҳамда тарихий жиҳатдан таҳлил қилган, бу эса аввалги ва амалдаги қонун ҳужжатлари ўртасида мавжуд ворисийликни кузатишга ҳамда асосланган, текширилган илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишига имкон яратган.

Диссертант voyaga etmagan shahsni jalb qiliш таркибларини учта асосий гурухга ажратган. Булар voyaga etmaganlarни: 1) жиноий хатти-ҳаракатларга; 2) ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга; 3) аксилижтимоий хатти-ҳаракатга жалб қилишидир. Маълумотларга кўра, voyaga etmaganlar жиноятларининг 30 %га яқини катта ёшдаги шахсларнинг далолатчилиги, ундаши ёки жалб қилиши таъсирида содир этилади¹. Шубҳасиз, voyaga etmagan shahslarни жалб қилишнинг мазкур турлари ижтимоий хавфлилик даражаси бўйича ҳар хил. Бу

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тезкор маълумотлар бошқармасидан олинган маълумотлар.

эса, жиноий жавобгарлик асосларида ҳам (зоро уларнинг айримлари учун маъмурий преюдиция назарда тутилган бўлса-да), уларнинг ижтимоий хавфи бўйича турли тоифадаги жиноятларга киритиш имконини берувчи эҳтимол тутилган жазо чораларида ҳам намоён бўлади. Бироқ умумий жиҳати шундаки, уларнинг барчаси вояга етмаганларнинг нормал жисмоний, руҳий ва ахлоқий ривожланишига тажовуз қиласи. Айни вақтда, таҳлил қилинаётган ҳодиса нуқтаи-назаридан шахс ижтимоийлашувининг нисбатан оддий, батафсил бўлмаган таърифи билан иш кўриш етарли бўладики, уни вояга етмаган шахснинг жамият ва давлатда ўрнатилган асосий хуқуқий, ахлоқий ва миллий-анъанавий хатти-ҳаракат эталонларини ишлаб чиқиши ва сингдириши сифатида тушуниш лозим.

Шу ўринда, диссертант ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга нисбатан қўйидаги таъриф берган: «*гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар – вояга етмаган шахс ундаладиган ёки жалб қилинадиган ҳамда юридик табиатига кўра жиноий, гайриқонуний ёки гайриижтимоий ҳисобланадиган хатти-ҳаракатдир*».

Диссертациянинг иккинчи параграфи «*Катта ёшдаги шахсларнинг вояга етмаган шахсни гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлиги учун жавобгарлиги муаммолари бўйича илмий тадқиқотларнинг ривожланиши ва ҳозирги ҳолати*» деб номланган бўлиб, унда тадқиқотчи жиноят хуқуки соҳасидаги мавзуга оид монографик адабиётлар ва диссертация тадқиқотларини тадқиқ этган.

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш муаммоси асосан далолатчиликнинг тури бўлмиш иштирокчилик ҳақидаги таълимотнинг таркибий қисми сифатида, ё жиноят хуқуки бўйича ўқув фанлари доирасида жиноят таркибининг белгиларини анъанавий таҳлил қилиш даражасида, шунингдек, дарсликлар, жиноят кодексларига шарҳлар, даврий юридик журналлар ва илмий мақолалар тўпламларидаги алоҳида мақолалар доирасида кўриб чиқилган.

Фаннинг мустақил йўналишини маҳсус монографик ва диссертацион тадқиқотлар ташкил этган бўлиб, тадқиқотчи уларни ўрганиш, таҳлил қилиш орқали ва шунга асосланган муаллиф баёни асосида уларга батафсилроқ эътибор қаратган. Хусусан, Е.А. Худяков (Москва, 1967 й.), А.А. Примаченко (Москва, 1969 й.), А.А. Расулов (Тошкент, 1980 й.), Г.С. Мауленов (Киев, 1983 й.), А.С. Якубов (Москва, 1989 й.), Р.С. Дмитриевский (Москва, 1995 й.), А.В. Ткаченко (Москва, 2000 й.), С.А. Ахмедова (Волгоград, 2001 й.), Н.Н. Косова (Екатеринбург, 2002 й.), Ф.Ю. Петров (Москва, 2002 й.), Т.А. Олейникова (Москва, 2005 й.), И.В. Литвинова (Москва, 2008 й.), Ч.Ш. Купирова (Чебоксари, 2015 й.), А.С. Кубатбекова (Москва, 2009 й.), О.В. Кивель (Москва, 2012 й.) ва Г.В. Шевченко (Москва, 2015)ларнинг илмий ишлари таҳлил қилинган¹.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиб, 1994 йилда ўз жиноят қонунчилигини қабул қилганидан сўнг мамлакатимизда вояга етмаган шахсни

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

жиноий ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга қарши жиноят-хуқуқий кураш муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилмаган. Шу билан бирга, ушбу жиҳатга Ўзбекистонда У. Абдуганиев (Тошкент, 1994 й.), В.Г. Файзуллаева (Тошкент, 2004 й.), Э.М. Абзалов (Тошкент, 2000 й.) томонидан амалга оширилган баъзи диссертация тадқиқотларида қисман эътибор қаратилган.

Тадқиқотчи боб якунида, агар қонунчилик асоси бўлса, таҳлил қилинаётган муаммо доимо жиноят хуқуқи фани вакилларининг диққат марказида бўлгани ва ҳамон шундай бўлиб қолаётганини таъкидлайди. Жиноят-хуқуқий нормаларнинг тузилиши турли даврларда ўзига хос бўлганига қарамай, шаклланган миллий хуқуқий тизим принципларини инобатга олган ҳолда бир қатор жиҳатларни, хусусан «жалб қилиш» ва «ундаш», «қилмиш» ва «фаолият» тушунчалари, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг турлари (шакллари), жиноят таркибининг конструктив тузилиши, айбнинг мазмуни, жабрланувчининг ёшига хос жиҳатлари, субъект жавобгарлигининг ёш чегаралари ва баъзи бир бошқа масалалар олимларнинг диққат марказида бўлган ва ҳамон шундай бўлиб қолмоқда. Зеро, фан ҳам, хуқуқни қўллаш ва суд амалиёти ҳам ушбу муаммода бир тўхтамга келмаган.

Иккинчи боб **«Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишнинг ижтимоий-хуқуқий жиҳатлари»** деб номланган бўлиб, унда тадқиқотчи вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш социологиясини, унинг жамият билан боғлиқлигини ва ижтимоий хавфлилигини кўриб чиқкан.

«Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш социологияси» номли биринчи параграфда социологик жиҳат жиноят-хуқуқий тадқиқотларнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, у ёки бу ижтимоий ҳодисанинг генезиси, ўрни ва ижтимоий функцияларини аниқлашга имкон бериши, ҳуқуқий шакл ва ижтимоий мазмуннинг диалектик алоқадорлиги ва ўзаро боғлиқлигини энг тўлиқ ва холисона ёритишда ёрдам бериши, шундан келиб чиқиб, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш кўпинча виктимологик асосга эгалиги асосланган.

Вояга етмаганларнинг жиноят сари йўли одатда уларнинг ғайриижтимоий фаолиятнинг алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик, фоҳишабозлик ва бошқа шу каби турларига қўшилишидан бошланади. Уларнинг жиноят содир этиши эса аввалги девиант хатти-ҳаракатдан кейин қонуний равища юзага келувчи ўзига хос якунловчи босқичдир.

Ушбу жараёнлар социологик тадқиқот натижалари асосида ҳам асослашга ҳаракат қилинган. Жумладан, турли тоифадаги жиноятларни содир этганлиги учун ҳукм қилинган 100 нафар вояга етмаган шахснинг 34,6 % – ҳукм этилган пайтда гиёҳвандлик воситалари ёхуд психотроп моддалар истеъмол қилган, 13,3 % – эса, бундай модда ва воситаларни ҳар доим эмас, балки онда-сонда истеъмол қилишганини айтишган. Бинобарин, жиноят содир этгани учун ҳукм қилинган вояга етмаган шахсларнинг 47,9 % – гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ҳакида етарли тасаввурга эгадирлар. Аммо бундан ҳам ташвишлиси шундаки, вояга етмаганларнинг 47,2 % – катталар уларни ана

шундай хатти-ҳаракатга жалб қилиши натижасида бундай восита ва моддаларни истеъмол қила бошлаганлигини тасдиқлаганлар¹.

Тадқиқотчи айни вақтда ЖКнинг 127-моддасида тақиқланган қилмишларнинг кўпайишига сабаб бўлган бир қатор ижтимоий омилларни кўрсатиб берган. Булар, *биринчидан*, «нотинч оиласалар» деб аталувчи криминоген омил², *иккинчидан*, болалар ва ўсмирларнинг назоратсизлиги омилидир. Ушбу фонда вояга етмаганлар ўртасида алкоголизм, фоҳишабозлик, гиёхвандлик, захарвандлик, назоратсизлик, дайдилик ҳамда тиланчилик кузатилади.

Тадқиқотчининг аниқлашича, моддий муҳтож болалар ва ўсмирларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиниши одатда (на жисмоний, на руҳий) зўрлик ишлатишни талаб қилмайди. Жалб қилинадиганларнинг ушбу тоифаси тегишли таклифга осон қўнади, ишонувчан ёки алданишга мойил бўлади. Шундай қилиб, оиласаги моддий етишмовчилик вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга имкон яратувчи асосий шароитлардан бири сифатида баҳоланмоғи лозим. Социологик тадқиқот натижаларига кўра, турли жиноятларни содир этгани учун ҳукм қилинган 100 нафар сўровда иштирок этган вояга етмаганларнинг 58 %ида моддий бойликлар уларнинг жиноят содир этишлари учун мотив бўлган.

«Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишининг ижтимоий сабаблари ҳамда ижтимоий хавфлилиги» номли иккинчи параграфда ҳуқуқ тармоқлари тизимида энг репрессив тармоқ бўлган, асосан предмети ва методининг хусусияти боис мажбурлашга асосланган ҳамда жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий асосларини ташкил этадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилинган тақдирда муҳофаза қилиш функциясини амалга оширадиган жиноят ҳуқуқида ўсиб келаётган авлодни муҳофаза қилишга етарлича эътибор қаратилиши таъкидланган. Бундай эътибор баркамол авлодни тарбиялашнинг ижтимоий-сиёсий омиллари ва стратегик вазифалари билан боғлиқ бўлибгина қолмай, балки жиноят қонун ҳужжатларининг функционал вазифаларидан узвий равишда келиб чиқади.

Тадқиқотчи вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишининг ижтимоий моҳиятини тушуниш учун бундай хатти-ҳаракат натижасида етказиладиган заарнинг ҳар хил турларини таҳлил қилади, уни ижтимоий-психологик, психофизик ва криминал заар турларига ажратади.

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш тарбия соҳасида амал қилувчи муносабатларни издан чиқариши, шахснинг бузилишига олиб келиши, ёш авлод ўртасида касалликнинг кўпайишига олиб келиши, вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳолатига таъсир этувчи, уларни жабрланганлар тоифасига ўтказувчи (виктимлик) оқибатларни келтириб чиқариши билан ижтимоий жихатдан хавфидир. Бундай хатти-ҳаракат тарбия

¹ Социологик сўров натижалари таҳлили диссертациянинг 6-иловасида келтирилган.

² Масалан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг маълумотларига кўра, 2019 йил охирида республика бўйича ота-оналари спиртли ичимликлар ва гиёхвандлик воситаларини истеъмол қилувчи 1160 та оила хисобда уларда турган. Ушбу оиласаларда 1200дан ортиқ вояга етмаган шахс тарбияланадиган бўлиб, улар билан профилактик ишлар амалга оширилган.

соҳасида амал қилувчи муносабатларга тажовуз қиласи ва уларнинг **ижтимоий моҳиятини** ташкил этади.

«**Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишнинг хуқуқий тавсифи ва уни квалификация қилиш масалалари**» номли учинчи боб иккита параграфдан ташкил топган. Биринчи параграфда «**вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишнинг объектив ва субъектив белгилари**» тадқиқ этилган.

Тадқиқотчи жиноятнинг турдош обьекти ва бевосита обьектини тушуниш борасидаги нуқтаи-назарларни танқидий кўриб чиқиб, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишнинг бевосита обьектини вояга етмаган шахснинг нормал ривожланиши ва тўғри тарбияланиши борасидаги ижтимоий муносабатлар ташкил этади, деган холосага келган. Бундай холоса жиноят қонунининг мазмuni ва йўналишига аниқ мос келади, унинг том маъносидан келиб чиқади ҳамда бевосита ва умумий обьектларини ўзбошимчалик билан айнанлаштиришни истисно этади.

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий ҳаракатнинг ҳар хил турларига жалб қилишда ҳамда ЖК нормаларининг жойлашувидан қатъи-назар, асосий бевосита обьект ҳар доим нормал ривожланиш ва тўғри тарбиялаш соҳасида амал қилувчи ижтимоий муносабатлар бўлади, бошқа ижтимоий муносабатлар, масалан, ҳаёт (103¹-м. 2-қ. «а» б.), виждан эркинлиги (145-м. 2-қ.), ижтимоий хавфсизлик (244²-м. 2-қ.), жамоат тартиби (278-м. 3-қ.) эса ушбу ҳолларда қўшимча бевосита обьект мақомига эга бўлади. Бундай ёндашув обьектнинг уч босқичли концепциясига зид келмайди, балки ушбу турларининг ҳаммасини умумий нормада жамлаш учун қўшимча далил бўлади, холос. Бу эса уларнинг ижтимоий моҳиятини мақбул тарзда акс эттиришидан ташқари, квалификация чоғида муқаррар рақобатни ҳамда муайян даражада қонунчилик техникаси нуқтаи-назаридан зиддият (коллизия)ни истисно этади.

Тадқиқотчи жиноятнинг обьектив томонини кўриб чиқар экан, тадқиқ этилаётган муаммонинг баҳсли жиҳатларига, масалан, жиноят таркибининг тузилиши, «жалб қилиш» атамасининг этимологик тушунчаси ва юридик аҳамияти, иштирокчилик нормалари билан ўзаро муносабати каби масалаларга тўхталиб ўтади. Бу эса, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш «соф» кўринишда жиноят ёки жиноятларга, шунингдек ўз-ўзича жиноят бўлмаган бошқа турдаги ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга ундаш бўлган ноаниқ ҳаракатлар бўлганида ҳам мавжуд бўлишини қайд этишга имкон берган.

Диссертант мазкур жиноят-хуқуқий норманинг диспозициясидаги муқобил таркиб битта ёки бир нечта эканлигини аниқлаш жараёнида жалб қилишнинг бир қанча муқобил шакллари мавжудлиги ҳақида холосага келган.

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш нафақат обьекти, субъекти ва субъектив томонига, балки вояга етмаган шахсни турли шакллардаги ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатдан иборат обьектив томонига ҳам эга бўлган ягона таркибdir. Ушбу таркиб формал бўлгани боис шахсни мазкур жиноятни содир этишда айбдор деб топиш учун бирор натижа юз берганлигини аниқлаш

шарт эмас. Заарли оқибатнинг келиб чиқиши айни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши ҳамда ушбу норманинг санкцияси доирасида жазо тайинлашда инобатга олиниши лозим.

Жинсий ҳаётни эрта бошлиш ва тартибсиз юритишга мажбурлаш вояга етмаган шахснинг нормал ривожланишининг бузишини ҳамда ғайриахлоқий хулқ-авторлар шаклланишига етаклашини эътиборга олиб, объектив томоннинг мажбурий белгиси сифатида вояга етмаган шахсни фоҳишаликка жалб қилганлик учун жавобгарликни назарда тутиш таклиф этилган. Жиноят қонуни нормалари ва хуқуқ назариясининг таҳлилига асосан, мазкур жиноятнинг субъекти 18 ёшга тўлган шахс эканлиги таъкидланади.

Тадқиқот ишида ота-оналар, педагоглар ёки қонунда зиммасига вояга етмаганларни тарбиялаш мажбурияти юклатилган бошқа шахслар томонидан содир этилган вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун уларга оғирроқ жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Диссертант жиноят-хуқуқий адабиётларда билдирилган субъектив томон ҳақидаги учта қарашни танқидий таҳлил қилган ҳолда вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш фаол, англанган, мақсадга йўналган фаолиятни тақозо этувчи хусусияти сабабли ҳам ҳар доим қасдан содир этилган жиноят ҳисобланишини асослаган. Одатда, жалб қилувчи нафақат мақсадли ҳаракат қиласи, балки айни вақтда ўз ҳаракатларини жалб қилиш албатта амалга ошадиган қилиб йўналтиради ва назорат қиласи. Шу боис, жалб қилувчининг қасдли айби аксарият ҳолларда тўғри қасдда намоён бўлади, аммо эгри қасдда ҳам ифодаланиши мумкин.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфида вояга *етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишини квалификация қилиши* масалалари тадқиқ этилган.

Мазкур жиноятни квалификация қилишда вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш вояга етмаган шахсда бир ёки бир неча ғайриижтимоий қилмишни содир этишда иштирок этиш истаги, интилишини қўзғатишга қаратилган ҳаракатлар эканлигини инобатга олиш лозим. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш айнан унга қаратилган барча турдаги жисмоний зўрлик ва руҳий таъсирларни тақозо этади.

Икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш ҳоллари ҳам учраб туради. Ушбу ҳолат ЖК 127-моддасининг учинчи қисми «б» бандида назарда тутилган квалификацияловчи тур сифатида ўз аксини топган. Катта ёшдаги шахснинг икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиши ўз хусусиятларига эга. Жумладан, мазкур квалификацияловчи белги, бир қарашда қўринганидек, жиноятларнинг тақориyllигини ҳосил қилмайди. Жиноят қонунида таърифланганидек, Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси

учун ҳам судланган бўлмаса, тақороран жиноят содир этиш деб топилади (ЖК 32-м.).

Жиноятни тақорорийлик белгиси бўйича квалификация қилиш учун ҳар бир қилмиш мустақил хусусиятга эга бўлиши зарур. Ушбу тақорорийлик белгиси таркибли, мураккаб, давомли ва давом этувчи жиноятларни ажратишда жуда муҳим ҳисобланади. ЖК 32-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят тақороран содир этилган деб топилмайди.

Давомли жиноятлар, умуман олганда, яхлит мустақил жиноят сифатида баҳоланиши керак. Бинобарин, давомли деб топилган қилмиш айни вақтнинг ўзида тақорорий жиноят деб топилиши ва квалификация қилиниши мумкин эмас. Мазкур модданинг учинчи қисми «б» бандида икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсни жалб қилиш ягона жиноят таркибини ташкил этишини тақозо этади, бунда квалификация қилиш учун айбдор шахснинг қилмишида умумий қасд ва ягона мақсадга йўналтирилганлик аниқланиши, яъни ЖК 127-моддаси диспозициясида келтирилган ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар турларига икки ёки ундан ортиқ ўсмирни бир вақтнинг ўзида жалб қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

ЖК 127-моддасининг учинчи қисми «а» бандида илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ғайриқонуний равища муомалага чиқариш билан боғлиқ ҳар қандай жиноятни содир этган маҳсус субъектнинг жавобгарлиги назарда тутилган. Бу эса, катта ёшдаги шахс ЖК Махсус қисми олтинчи бўлимининг XIX бобида (ЖК 270–276-моддаларида) назарда тутилган ҳар қандай жиноятни содир этиш ҳолатини аниқлаш зарурлигини белгилаб беради. Мазкур квалификацияловчи белги шахс илгари вояга етмаган шахсни ушбу восита ва моддаларни истеъмол қилишга жалб қилган тақдирда ҳам айб сифатида қўйилиши лозим (ЖК 127-м. 2-қ.). Бунда жалб қилувчи илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ғайриқонуний равища муомалага чиқаришни ташкил этувчи ҳар қандай жиноятни содир этганлиги, ёхуд ушбу қилмишлари учун илгари ҳукм этилган-етилмаганидан қатъи назар, вояга етмаган шахсни уларни истеъмол қилишга жалб қилганлиги факти аниқланиши муҳим.

Субъектив томондан мазкур жиноят таркиби қасд мавжуд бўлишини талаб қиласди. Шу боис жиноятни тўғри квалификация қилиш учун катта ёшдаги шахс ўз ҳаракатлари билан вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий фаолиятга жалб қилаётганлигини англаган ёки англамаганлигини ёхуд шундай бўлиши мумкин деб ҳисоблаган ёки ҳисобламаганлигини аниқлаш талаб этилади.

ЖК 127-моддаси биринчи қисми диспозициясида маъмурий преюдиция мавжуд бўлиб, бу ҳол вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идроқига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилганлик учун жиноий жавобгарлик келиб чиқишини белгилаб беради, факат бунда айбдор илгари шундай ҳаракатлари учун МЖтКнинг 188-моддаси бўйича маъмурий жавобгарликка тортилган

бўлиши лозим. Мазкур ҳаракатларни маъмурий жавобгарликка тортилгандан кейин бир йил ичида такроран содир этиш ЖК 127-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноий жавобгарликка тортиладиган жиноят сифатида баҳоланади.

ХУЛОСА

